



ҚАРОР-ПОСТАНОВЛЕНИЕ

30 сентябрь 1999 й.

№ 77-к

Фукаро Расулов Хабибга шахсий хаммом биносига эгаллик қилиш ва 0,23 га ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Фукаролик кодекси» ва Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси", Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 январдаги 35-сонли «Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган бинолар ва ишюстлар бўйича руйхатга олиш - баҳолаш ишларини амалга ошириш тўғрисида» ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида фукаро Расулов Хабибнинг туман хокими номига ёзган аризаси, Самарқанд тумани "Галаба" жамоа ҳужалиғи 15 феврал 1994 йилдаги далолатномаси, 1995 йил 14 май 2 сон "Галаба" жамоа ҳужалиғининг бошқарув мажлиси, 1995 йил 10 августдаги Самарқанд тумани "Галаба" жамоа ҳужалиғининг 1994 йил якуни бўйича вакиллар ҳисобот йиғилиши, Самарқанд тумани "Галаба" жамоа ҳужалиғи бошқарувининг 1996 йил 25 январдаги 11 сон мажлис қарори, 1-сон 1996 йил 30 март куни Самарқанд тумани "Галаба" жамоа ҳужалиғининг 1995 йил якуни бўйича вакиллар ҳисобот йиғилишининг 1-сон мажлис қарорларидан кучирмалари, Самарқанд тумани хокимига кучмас мулк ва ер давлат кадастри бўлимининг ҳулосасини инобатга олиб

Қарор қиламан:

1. Самарқанд тумани "Галаба" жамоа ҳужалиғига қарашли бўлган ҳужалик хаммом биносини фукаро Расулов Хабибга сотилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Мазкур хаммомнинг чумилиш биноси (285,31 кв.м), қозонхона (130,2 кв.м), қурилиш тугалланмаган мажбурий хизмат курсатиш биноси (171,9 кв.м)ларга эгаллик қилиш ва 0,23 га ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи фукаро Расулов Хабибнинг шахсий хаммом биносига утказилсин.
3. Туман бош ер тузувчиси (С.Рузиев) га жамоа ҳужалиғи ер балансига узгартиришлар киритиш, Туман кучмас мулк ва ер давлат кадастр бўлими (Т.Шарошов) га ушбу мулкни давлат руйхатидан утказиш ҳақидаги гувоҳномаси расмийлаштириш ва солиқ инспекциясига маълумотнома бериш вазифалари топширилсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг уринбосари Ш.Давронов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:

А.И.Шош Р.Хакимова